




2 / 2024

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
VA FOLKLORE INSTITUTE

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
VA ФОЛЬКЛЮРИ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чикади

Бош муҳаррир:

НИЗОМИДИН МАХМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максул АСАДОВ
Рахматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Баходир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(*бош муҳаррир ўринбосари*)
Сувон МЕЛИ

Ёркинжон ОДИЛОВ
Манзура ОТАЖОНОВА
Эргаш ОЧИЛОВ

(*масъул котиб*)
Гулчеҳра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
(*бош муҳаррир ўринбосари*)

Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНКУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улугбек ҲАМИДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

2
2024

Тошкент - 2024

Хуллас, Олпоёр байтларидан коннотацияга тўйинтирилган юзлаб лексик бирликларни топиш мумкин. Улар орқали шоир ўзбек тилининг бой имкониятларини кўрсатиб бера олган. Айниқса, сўфиёна адабиётда учрайдиган коннотатив маъно ташиган бирликлар, бир томондан, маърифий аҳамияти билан эътиборда турса, иккинчидан, тилимизнинг метафорик, омоним, синоним, антоним, паронимлик, идиоматик кўринишларини намоён қилиб, изоҳли луғатлар, дидактик матнлар тузиш, мавъиза нутқлар ирод қилишда кенг фойдаланишда қўл келади. Бундан ташқари, шоир байтларида тарихий фонетик коннотацияни, тарихий аффиксларнинг коннотациясини, тарихий грамматик коннотацияни учратиш мумкин. Булар ҳам асар тилига яқинда жозиба бағишлаган, шоир маҳоратини белгилловчи унсур сифатида тўй чўзган.

РЕЗЮМЕ. Мақкур мақолада лингвистика, коннотация ва уни ҳосил қилувчи фонетик, грамматик ва лексик бирликлар ҳақида сўз юритилади. Бу масалалар "Сабот ул-жизин" асарида олинтган мисоллар асосида далилланган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье речь идет о лингвополюстике, коннотации, а также фонетических, грамматических и лексических единицах, входящих в ее состав. Эти вопросы обоснованы примерами, взятых из произведения "Сабот ул-аджизин".

RESUME. This article examines linguopoetics, connotation, as well as the phonetic, grammatical and lexical units that make up it. These issues are analyzed on the basis of examples taken from the work "Sabot ul-odizizn".

Таянч сүз ва иборатлар: денотация, коннотация, мохит, ўз маъно, кўчма маъно, конститк коннотация, грамматик коннотация, лексик коннотация.

Ключевые слова и выражения: денотация, коннотация, сущность, прямое значение, переносный смысл, фонетическая коннотация, грамматическая коннотация, лексическая коннотация.

Key words and word expressions: denotation, connotation, meaning, literal meaning, figurative meaning, lexical connotation.

ХАРБИЙ БАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИДАГИ
МАТНЛАРДА МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИ

ФИРУЗА МҶУРОДОВА

Кишиларнинг ўзаро алоқа курули бўлган тил аниқгина қадимий тарихга эга бўлгани учун сўзловчиларнинг бу тилга муносабати ҳам кўҳна ҳодисалар жумласига кирadi. Чунки тил кишиларга доимо ўзаро алоқа, муносабат, маданий-маръифий зарурият, жамoa бўлиб бирлашиш, куралиш курули бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли суҳбатдошлар (онлада, жамoада, расмий доираларда) нутқнинг бир-бири учун тушунарли бўлиши, керакли ўринларда ҳа нутқнинг ўткир, таъсирчан, максалда мувофиқ бўлишини объектив зарурият ҳисоблашган. Бунга эришиш учун қадимий даврларда ҳам кишилар шубҳасиз, тилнинг кўпчилик учун ва ўзарo суҳбат учун тушунарли бўлган формасини тўғри танлаш ва тўғри қўллаш қоидаларига амал қилишган¹. Напжада турли соҳаларда, турли жамoаларда ўзига хос нутқ ва муомала маданияти, масалан, сўзловчиларнинг гапиришида,

тингловчининг тинглашида муайян одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиши, таъсирчан ва чиройли гапирнишга интилиши, тилга ҳурмат, ўз гапи ва ўзгалар гапига эътиборли бўлиш, суҳбатдошининг ёшини ва амалини ҳисобга олиш, ўз ўрнида гапирш, сўзлаш ва тинглаш маданияти, суҳбат маданияти, мунозара маданияти, тилга эътибор, эҳтиёткорлик ва бошқалар. Бу эса ҳар бир соҳада ўзига хос муомала маданияти ҳамда ҳар бир касбнинг ўз сўзлашиш одобига риоя қилиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Чунки жамият билан алоқата қириниш учун бу жулаям муҳим. Мисол учун, ўқитувчилик ва шифокорлик касбининг ўзига хос нутқ одоби бор. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик нутқини эшитганимизда қалбимиз жасоратга тўлганини, шу она заминга мухаббат туйғусининг жунбишга келганини бутун вужудимиз билан англаймиз. Ҳар бир нутқда бўлгани каби, ҳарбий ватанпарварлик нутқиди ҳам ўзига хос муомала маданияти, ўзига хос мурожаат шакллари мавжуд. Мақоламизда ана шу мурожаат шакллари ҳақида мулоҳаза юритишни максад қилдик.

- *Рухсат этинг, ўртоқ генерал! Саломатлик тилайман!* – *марҳамат!* (*саломлашиш, кўришиш*)
- *Ўртоқ полковник, рухсат этинг!*
- *Рухсат!* (*рухсат сўраш*)
- *Салом, ўртоқ курсантлар!* – *Ассалом!* (*саломлашиш*)
- *Рустамов, аскарларни йиғинг!*
- *Эшитман, ўртоқ генерал, кетишга рухсат этинг!* (*хўп бўлади ўрнида*)
- *Эшитман, ўртоқ кўмондон.* (*телефондаги мурожаат*)
- *Ўртоқ офицерлар!* – *Ўртоқ офицерлар!* (*мулоқоти ва аниқлаш*)
- *Ўртоқ Азизов, сафга!* (*бўйиш*)²

Бу мурожаат шакллари яна узок давом этириш мумкин ва шу билан бирга ҳар бир маъно-мазмун ифодадашда ушбу мурожаат шакллари билан фойдаланиш ҳарбий нутқнинг асосини ташкил қилади. Эътиборли томони шундаки, бу мурожаат шакллари ёш нутқини назардан эмас, балки мансаб, ҳарбий унвонга қараб ишлатилади. Оддий аскарлар томонидан сержантлар (кичик сержант, катта сержант), кичик офицерлар (лейтенант, катта лейтенант, капитан), катта офицерлар (майор, подполковник, полковник), генераллар (генерал майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, армия генерали) таркибига, сержантлар таркибидан офицерлар, генераллар таркибига, офицерлар таркибидан эса генераллар таркибига нисбатан мурожаат шакллари фиол қўлланади.

Биламизки, узок йиллардан бери ҳарбий мурожаатларда “ўртоқ” сўзи жулда кенг қўлланиб келади. Бу мурожаат шакли рус тили ҳарбий лексикасидаги “Товариш” сўзининг тўғридан-тўғри таржима қилиш орқали ифодаланган шакл. Чунки ҳарбий лексикамизнинг асосини русча ва у орқали Европа тилларидан кириб келган ўзлашма сўзлар ташкил қилиши билан бирга кўпгина бирликлар рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган.

Товариш генерал – ўртоқ генерал

² Келтирилган мисоллар Ўзбекистон Республикаси Миллий кинофонди тўпламидаги сценарийлардан олинган. – Ф.М.

Товарищ полковник – ўртоқ полковник

О.И.Ожегов ҳамда Н.Ю.Шведова таҳрири остида нашр қилинган "Толковый словарь русского языка" лугатида "Товарищ" сўзининг куйидаги изоҳи келтирилган:

ТОВАРИЩ, -а, м. 1. Человек, близкий кому-н. по взглядам, деятельности, по условиям жизни, а также человек, дружески расположенный к кому-н. 2. В советское время (обычно перед фамилией, званием, должностью, профессией): обращение к гражданину. 3. кого. В названиях нек-рых должностей: помощник, заместитель.³

Ўрганишимиз натижасида шу маълум бўлдики, рус тили муомала қилинган "Товарищ" сўзи дўст, ўртоқ, сафдош маъноларидан ташқари ҳарбий мурожаат шаклида, бундан ташқари умумистеъмолда ҳам таниш, ютаниш кишиларга мурожаат шакли сифатида қўлланган.

Ну, товарищи, друзья... он задумался... – молодости... моей, прощайте, – обратился он к Макарыну и другим. Л.Толстой. Война и Мир.

Аммо ўзбек тилида "ўртоқ" сўзи кўп маъноли сўз бўлиб, "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да куйидагича тавсифланади:

Ўртоқ 1 – ёши тенг ёки яқин бўлиб, ўзаро яхши алоқада бўлган тенгдошлар (бир-бирига нисбатан); бирга ўсган; тенгдош, дўст, ошна.

2 – дунёқараши, фаолияти, яшаш шароити ва ш.к. жиҳатидан бир, ҳарбий жиҳатдан яқин киши; ҳамфикр, ҳамғоя.

3 – расмий, кишиларга мурожаатда, одатда уларнинг фамилияси, касби, унвони ва ш.к. билдирувчи сўзга қўшиб ишлатилади.

4 – с . т . айн. Турмуш ўртоғи; эр ёки хотин, рафик ёки рафиқа.

5 – бирор бир фаолиятда бирга бўлувчи, бирор нарсани баҳам кўрувчи; шерик⁴.

Эътибор қиладиган бўлсак, ҳарбий мурожаатларда қўлланадиган "ўртоқ" сўзи лугатда келтирилган 2-, 3 ва 5- маъноларга қисман яқин. Расмий услубда бу сўз ҳамфикр, фаолияти бир кишиларнинг ўзаро муносабатини ифодалаш учун мумкиндир, аммо, ҳам ёш, ҳам мансаб нуктаи назаридан қиладиган бўлсак, "ўртоқ" сўзини унвон, мансаб ва фамилия билан қўллаш ҳар доим ҳам ўзбек тили миллий кодида тўғри келавермайди. Агар ҳозирги нутқда оддий сўзлашувда ўқитувчи томонидан **ўртоқ, директор!** каби мурожаат қилинадиган бўлса, у киноя маъносини, суҳбатдошини менсимаслик мазмунини ифодалайди. Демак, **ўртоқ** сўзи фақат ҳарбий нутқ мурожаат тарзида ишлатилади, аммо фикримизча, бунда ҳам алоҳида меъёр талаби бўлиши керак.

– **Ўртоқ генерал**, – деди ҳаяжонланиб Бектемир, – ҳеч нарсани қилмадим ҳали. Бу режанинг бир фоизи.

– Бир фоиз! Режанг жуда яхши! Қани, Ҳамроқулов, эланинг билан гаплаш, – деди капитанга мурожаат қилиб генерал. Ойбек. "Қуёш қораймас".

Эътибор берамиз, генерал – (генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, армия генерали) олий қўмондонлик таркибига бериладиган юқори даражадаги ҳарбий унвон ҳисобланади. Генерал –

³ Ожегов О.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: "Азъ", 1992. – С. 2008–2009.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, VI жилдлик, 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2020.

армиянинг бошлиги, юкори даражага эга киши бўлса, демак, унга нисбатан "ўртоқ" сўзини оддий аскар, сержантлар таркибидагилар томонидан қўлланиши миллий маданиятимизга тўғри келмайди, деган мулоҳазамиз бор. Чунки ўзбеклар менталитетига ҳос нутқ буни қабул қилиши қийин. "Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда..." мақоли бунинг исботи эмасми?

Янги Ўзбекистон армиясида – бой тарихий қадриятларимизга таянган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларида юксак интизом қондаларини мустаҳкамлаш, бир-бирларига бўлган ҳурмат ва эътибор, ўз касбини севиш, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда миллий ҳарбий муомала маданиятига эътибор бериш каби масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида бугун армиямизда муомала маданиятини юксалтириш мақсадида ҳарбий атамаларда "Менинг сафдошим", "Аскар", "Қўмондоним", "Командирим" "Полковниким!", "Майорим" каби сўзлар татбиқ этиб кўрилмоқда. Ушбу шаклларнинг қўлланишига эътибор берамиз:

1. Бўйсунувчилар ўз қўмондонларига нисбатан: "Қўмондоним! Қўшинларда ҳеч қандай қўнгилсиз ҳодиса рўй бермади".

2. Бўйсунувчилар ўз командирларига нисбатан: "Командирим! Барча бўлиномалар вазифа бажаришга тайёр".

3. Лавозими командирлик билан боғлиқ бўлмаган "бошлик" лавозимидаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан мурожаат этиш: "Сардорим! Буйругингизга биноан капитан Охунов хизмат сафарида юборилди".

4. Бўйсунувчилар ўз бошлиқларига нисбатан: "Полковниким! Мурожаат этишга руҳсат бering". "Майёрим! Буйругингизга биноан лейтенант Ахмедов етиб келди"⁵.

Ҳарбий мурожаатларда бу шаклларни қўллаш канчалик тўғри, бу таҳлилгалаб масала, бизнингча, Немис тилида ҳарбий лексикасида *Mein Führer* (менинг дохийим), *Mein Kapitän* (менинг капитаним), турк тили ҳарбий лексикасида *komtanım, afandım* каби ундалмалар мавжуд. Ўзбек тили ҳарбий лексикасига кириб келаётган ушбу мурожаат шакллари немис тили ёки турк тили ҳарбий лексикаси билан уйғунлиги борми, деган тахминимиз ҳам йўқ эмас.

Бугун ҳарбий соҳа вакиллари томонидан қўлланилиши лойихага киритилган мурожаат шакллари ҳарбий унвонларга ўзбек тилидаги эгаллик категориясини қўшиш орқали ҳосил қилинган. Ҳарбий мурожаатларда *менинг қўмондоним – қўмондон меники, менинг генералим – генерал меники, менинг майёрим – майёр меники* ёки *менинг генералим, сенинг генералинг, унинг генерали* тарзида қўллаш мумкин эмас.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳар бир мурожаат шакли, унвонлар ва ундалмалар кишининг суҳбатдошига бўлган муносабатини акс эттиради. Шу билан бирга нутқнинг таъсирчанлигини, теранлигини оширишга хизмат қилади. Айниқса ватанпарварлик нутқи ҳар бир юртдошимизнинг қўнглига кириб борадиган, ёш авлодни ватанпарварлик руҳи билан озиклантирадиган нутқ. Ватанпарварлик – бу ўз ватанига меҳр қўйишдангина иборат эмас. Ўзини шу ватан барқарорлиги ва фаровонлиги йўлида фидойи бўлиш, ватаним тақдири менинг тақдирим деб яшаш, ўзини ҳалқи билан бир бутунликда ҳис қилиш, унинг яхши-ёмон қунларида

⁵ <https://mudofaa.uz/31520/>

аскотиши ҳам демакдир. Ҳарбий нутққа хос, бугунги кунда қўлланиши фаол бўлиб бораётган мурожаат шакллари ўзаро ҳурматни, самимийликни ифодалаши мумкин, аммо касб нутқи этикаси томонидан ўрганилганда, уларни қайта таҳрирлаш зарур, деган таклифимиз бор. Негаки, ҳарбий соҳа бутун халқ учун ишонч ва таянч кўрғони. Шундан экан ҳавас қилгулик касбнинг, ҳавас қилгулик тили ва нутқи бўлгани нур устига аъло нур бўларди.

РЕЗЮМЕ. Ҳар бир нутқ ўзига хос мурожаат шаклларига эга. Кишиларнинг бир-бирига муносабати уларнинг мурожаат шаклларида ҳам ўз ифодасини топади. Мақолада ўзбек тили ҳарбий лексикасида қўлланилаётган айрим мурожаат шакллари, уларнинг бугунги кундаги қўлланиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган.

РЕЗЮМЕ. Каждая речь имеет свои формы обращения. Отношение людей друг к другу отражается и в формах обращения. В данной статье рассматриваются некоторые формы обращения, используемые в военной лексике узбекского языка, и их использование в наши дни.

RESUME. Each speech has its own forms of address. People's attitude towards each other is also reflected in their forms of address. The article discusses some of the forms of reference used in the military lexicon of the Uzbek language and their use today.

Таянч сўз ва иборалар: Муомала маданияти, нутқ маданияти, ҳарбий мурожаатлар, миллий код, эгаллик тизими, оппозиция, турланиш.

Ключевые слова и выражения: культура общения, культура речи, военные обращения, национальный код, система принадлежности, оппозиция, спряжение.

Key words and word expressions: culture of treatment, culture of speech, military appeals, national code, ownership system, opposition, variety.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Н.Махмудов. Фитрат ва замонавий ўзбек тилшунослиги.....	3
Ё.Одилов. Тилдаги ўзгаришларда ижтимоий омилларнинг ўрни.....	8
Ф.Усманов. Лингвوماданийтшунослик: миллий кадриятлар ва лисоний шахс	15

Адабиётшунослик

С.Мели. Миллий кадриятларнинг бадний талқинлари.....	20
У.Ҳамдамов. "Кеча ва кундуз" романида жадидчилик ғояларининг ўзига хос ифодаси.....	30
Х.Ҳамидов. Минад Ҳакимовнинг таржимонлик маҳорати	37

Илмий ахборот

Р.Баракаев. "Илма рағбат истарам миллатни ёшу чолидан"	43
И.Исмоилов. Талмуд адабиётида Александр ҳақидаги афсоналар.....	49
Э.Очилов. Махтумқули ижодида Ватан мавзуси.....	54
Ж.Аскарова. "Ёрилтош" эртаги хусусида	58
Ш.Махмудова. Назар Эшонкул киссаларида ижодкор образи	61
Г.Соатова. "Маориф ва ўқитувчи" журналидаги назмий асарлар	65
М.Кенжаева. Жадид шеъриятида йўл образи	69
А.Абдикаримова. "Талатепага қайтиш" қиссасига яна бир нигоҳ	75
А.Турдымуратова. "Алпамыс" достонининг Ўғиз жиров варианты.....	79
М.Ҳакимов. Жамол Камол шеърларида тун тасвири.....	82
С.Садикова. Ғайбулла Саломов ва жаҳон таржимашунослиги	89
Ф.Султонқулова. Усмон Азим таржимон сифатида	92
З.Мукимова. Табиат унсурлари номларининг лингвوماданий хусусияти ..	95
Ш.Толиева. Лингвистик экспертиза методлари	99
Д.Насриева. Бадний дискурс моҳиятини белгиловчи омиллар	103
М.Турсунов. Тарихий ва замонавий социоллингвистика	108
С.Баратова. Лингвопоэтикада коннотациянинг ўрни	113
Ф.Муродова. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги матнларда муружаат бирикклари	117

Фанимиз захматкашлари

А.Улуғов. Зукко мунаққид	122
Д.Қозоқбоева. Поэтика илми билимдони	129

Илмий ҳаёт

Ш.Раҳмонова. Увайсий ижодида бағишланган анжуман	132
--	-----